

# ШАРТНОМА № 1/1

(Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш ҳақида)

2022 йил « 24 » Январь

Марғилон ш.

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудирини Х.Курбанова

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан "BUSNESS COMPANY INVEST" МЧЖ раҳбари Р.Ғофуров

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ.

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Музлатилган мол гўшти	Кг	2004	55000	110 220 000,00
	Жами:				110 220 000,00

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Бир юз ўн миллион икки юз йигирма минг сўм.

(рақамлар, езувлар билан)

## III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товар-маҳсулотларни етказиб бериш транспорт харажатлари «Сотувчи» томонидан амалга оширилади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга кириб олдиндан 30%тўлов амалга оширилгандан сўнг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

## V. ТОВАР СИФАТИ.

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реқвизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.



7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдориди «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда туслаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

#### IX. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини қафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

#### X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иқтисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «24» 01 дан 2022 йил «31» 12 гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

#### XI. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

##### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

"BUSINESS COMPANY INVEST" МЧЖ  
(мол етказиб берувчининг номи)

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар А.Навоий кўчаси  
174-уй

Манзил: Марғилон шаҳар  
Мустақиллик 673

Тел./факс

Тел./факс

х/в: 20 208 000 805 128 372 001

ш/х 400522860304127091400151033

Банк номи: "Ипотека банк" Фарғона филиали

СТИР 305152353 ОКОНХ 92400

МФО: 00544

Марғилон шаҳри бўйича Газначилик бўлинмаси

СТИР: 306 730 432

Газна х/в 23402000300100001010

ОКЭД: 246900

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ББ

МФО 00014

СТИР 201122919

Раҳбар  Р.Гофуров

Раҳбар

Х.Курбанова

(Ф.И.Ш.)

 (Ф.И.Ш.)

(имзо)

 (имзо)

М.Ў

М.Ў